

Ўзбекистонда сақланаётган VIII асрга оид энг қадимий Қуръон Саудия Арабистонида намоиш этилади



16:50 / 18.01.2023 1554

2023 йилнинг 23 январидан 23 апрелига қадар Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ислом санъати биринчи биеннаlesi»да Ўзбекистондан 17 та тарихий экспонат намоиш этилади. Бу ҳақда Казинформ нашри хабар берди.

Биеннале «Дирия Биеннале» фонди томонидан Саудия Арабистони Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилади. Тадбирдан кўзланган мақсад ўтмиш, бугун ва келажакни боғлашдир. Унинг асосий мавзуси «Байтул-аввал» деб номланади. Бу ибора арабчадан олинган бўлиб «Биринчи уй» деган маънони англатади. Байтул-аввал — Қуръондан олинган атама бўлиб, у мусулмонлар учун энг муқаддас жой — Маккадаги Каъбага нисбатан қўлланилади.

Биенналеда Ўзбекистоннинг тарихий мероси Республика Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан тақдим этилади.

«Ислом санъати биеннаlesiда Ўзбекистоннинг бебаҳо экспонатларини тақдим этиш биз учун катта шарафдир. Мамлакатимизнинг бой меросини халқаро аудиторияга етказиш ва намоиш этиш, мустаҳкам халқаро

ҳамкорликни йўлга қўйиш Фонднинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Кўргазмада иштирок этиш уни ҳаётга татбиқ этиш учун қулай имкониятдир, – деди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси кенгаши раиси ўринбосари Саида Мирзиёева.

Жиддадаги кўргазмада Ўзбекистон маданий меросини акс эттирувчи 17 та экспонат намоиш этилади. Уларнинг орасида VIII асрга тегишли Қуръони Карим, Ислом оламининг энг мўътабар қўлёзмаларидан бири бўлмиш ал-Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами, Самарқанд ва Афросиёб ҳудудидан топилган IX-X асрга тегишли сополдан ясалган тарихий кўза ва идишлар, миллий кийимлар ва бошқа кўплаб тарихий санъат асарлари оммага тақдим этилади.

Биеннале доирасида Фонд томошабинлар учун Ўзбекистон маданий мероси билан таништиришга қаратилган кенг кўламли ижтимоий дастур ташкил этишни режалаштирмоқда. Унда турли суҳбатлар, мусиқий чиқишлар, фильмлар намоиши, кулолчилик ва сўзана бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилиши кўзда тутилган.